КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 153 (20.121) • 1988 йил 3 июль • якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўз ишини якунлади

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида.

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШИ ҲАҚИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 1 июлда кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет Бош секретари М. С. Горбачев раислик қилди.

Делегатлар М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладини муҳокама қиладилар.

Доклад юзасидан музокараларда КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Г. И. Усманов, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, Совет хотин-қизлари комитетининг раиси З. П. Пухова, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев, СССРнинг ГФРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. А. Квицинский, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Шу билан доклад муҳокамаси юзасидан музокаралар тугади.

Музокаралар охирида делегатлардан М. И. Калинин номидаги Свердловск машинасозлик заводи партия комитетининг секретари В. А. Волков, Москва шаҳридаги «Серго Оржоникидзе номли станоксозлик заводи» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Н. С. Чикирев, КПСС Москва шаҳар Пролетар район комитетининг биринчи секретари И. С. Лукин сўз олдилар.

Улар Б. Н. Ельцин ҳамда унинг конференциядаги нутқига нисбатан ўз муносабатларини билдирдилар.

Сўнгра делегатлар конференция Резолюциялари лойиҳаларини муҳокама қилишга киришдилар:

«КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» ҳамда «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида».

«Бюрократизмга қарши кураш тўғрисида».

«Миллатлараро муносабатлар ҳақида».

«Ошкоралик тўғрисида».

«Ҳуқуқий ислоҳот ҳақида».

Комиссияларда муҳокама қилинаётган ҳужжатлар юзасидан музокараларда 150 киши сўзга чиқди.

Комиссиялар раислари: КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети секретари А. Н. Яковлев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико конференция Резолюцияларини тайёрлаш комиссиялари иши тўғрисида маълумот бердилар.

Резолюциялар лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинганидан сўнг тузатиш ва қўшимчалар қабул қилинди.

Ўртоқ М. С. Горбачев конференцияда якунловчи нутқ сўзлади. Конференция президиумининг топшириғига мувофиқ М. С. Горбачев «Мамлакат сиёсий системаси ислоҳотини амалга оширишга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида»ги Резолюцияни қабул қилишни таклиф этди. Резолюцияни делегатлар бир овоздан қабул қиладилар.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ёпиқ, деб эълон қилинди.

Партия Гимни — «Интернационал» янграйди.

МАМЛАКАТ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИ ИСЛОҲОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН БАЪЗИ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг Резолюцияси

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қайта қуришни чуқурлаштириш, сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия ва жамиятни янада демократиялаштиришга оид йирик қарорларни кенг кўламда муҳокама этди ва қабул қилди. Бу қарорлар мамлакат тақдири учун ғоят катта тарихий аҳамиятга молик бўлиб, қайта қуришнинг ажралмас таркибий қисми ва айни вақтда унинг қудратли тезлатгичидир, улар жамият учун революцион янгиланиш йўлидан ишонч билан бориш, сиёсий авангард сифатида партиянинг ролини мустаҳкамлаш имкониятини яратади.

Қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши кечиктириб бўлмайдиган тусдадир, бинобарин, иш манфаатларидан келиб чиқиб, уларни амалга оширишга дарҳол киришиш муҳимдир.

Конференция қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

1. Бу йил сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия турмушини демократиялаштириш тўғрисидаги конференция қарорларига амал қилиб, партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси ўтказилсин.

Партия аппаратини қайта қуриш шу йилнинг охиригача амалга оширилсин. Партия ва Советлар ўртасидаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш тўғрисида қабул қилинган қарорлар эътиборга олиниб, партия аппаратининг структурасига зарур ўзгартишлар киритилсин.

КПСС Марказий Комитетига ана шу мақсадлар йўлида зарур амалий ишларни рўёбга чиқариш тавсия этилсин.

2. Конференция Совет органларини қайта қуришга оид қонун актлари лойиҳаларини, СССР Конституциясига киритиладиган зарур қўшимчалар ва ўзгартишларни СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш, шунингдек 1989 йил апрелида халқ депутатлари сайловини ташкил қилиш ва уларнинг съездини ўтказиб, унда давлат ҳокимиятининг янги органларини тузиш керак деган фикрни билдиради.

Республика Советлари ва маҳаллий Советларига сайловлар ҳамда шу асосда республикалар, ўлкалар, областлар, шаҳарлар, районлар, посёлкалар, қишлоқ жойларида раҳбар совет органларини тузиш 1989 йил кузида ўтказилсин.

ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ёпилиши чоғида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Конференциямиз ўз ишини тугалламоқда. Мунозара якунлари юзасидан ҳозиргина қабул қилинган ҳужжатлар, шу ҳужжатлар муҳокамасининг ўзи муфассал хулоса қилишга зарурат қолдирмайди. Бироқ конференция шундай миқёсдаги воқеадирки, ўтган тўрт кун мобайнида биз қилган ишларни жуда қатъий мезон билан баҳолашга эҳтиёж бор.

Бу илгариги расмга кўра навбатдаги ҳар бир партия анжумани шанига мақтов гаплар айтиш одатига риоя этиш учун керак эмас. Ўйлайманки, XIX партия конференциясининг партия ва мамлакат турмушидаги ўрнини ўзимиз англаб олишимиз учун шундай қилиш керак. Партиянинг тарихида катта воқеа рўй берди. **(Қарсаклар).**

Аввало бўлиб ўтган мунозаранинг муҳити ҳақида. Бу — ҳозир коммунистларни, барча совет кишиларини ташвишга солаётган энг муҳим масалалар ҳақида чинакам рўй-рост партиявий гурунг бўлди, уларни қизиқтираётган саволларга жавоблар топишга ҳаракат қилиб кўрилди. Съездлар саройида ҳали бундай гурунг бўлмаган эди, ўртоқлар. Қарийб 60 йилдан буён бизда бунга ўхшаш бирон воқеа бўлмаган эди, десак ҳақиқатга зид бўлмайди деб ўйлайман. **(Қарсаклар).** Шу маънода биз конференция ленинча руҳда ўтди, унда халқ олдидаги, революция олдидаги юксак масъулият тантана қилди, деб айтишга ҳақлимиз. **(Қарсаклар).** Мана шунинг ўзиёқ унга алоҳида моҳият бахш этади.

Делегатларнинг бениҳоя юксак фаоллигини уқтириб ўтмоқ керак. Шуни айтиш керакки, биз мураккаб вазиятда қолдик. Чунки музокарада сўзга чиқиш учун ёзилганларнинг ўзи 300 кишига етай деб қолди. Афсуски, уларнинг ҳаммалари сўзга чиқа олмадилар, бироқ редакцион комиссиянинг мажлисларида фикр билдириш эҳтиёжи бирон-бир тарзда қондирилди — у ерда 150 га яқин киши сўз олганини сизларга айтган эдим. Биз учун янги бўлган мана шу иш формаси, бу ишда умуман конференция делегатларининг қарийб ўндан бир қисми қатнашганлиги мунозара давомида туғилган кўпгина конкрет масалаларни ишчанлик билан кўриб чиқиш ва уларнинг ечимини топиш имконини берди.

Конференцияда юксак талабчанлик, масалаларни кескин ва принципиал қилиб қўйиш руҳи ва айни вақтда партиявий ўртоқлик, таъбир жоиз бўлса, бир-бирига нисбатан хайрихоҳлик руҳи ҳукмронлик қилди. Бу ҳам бутун партия учун, бутун жамиятимиз учун ибратдир, маслакдошлар ўртасида, буюк қайта қуриш, жамиятни янгилаш ишига киришган ва партиядаги юзлаб, минглаб, миллионлаб ўртоқларнинг, ишимиз қандай бораётганини зўр қизиқиш билан кузатиб турган барча совет халқининг мададини сезиб турган кишилар ўртасида худди шундай бўлиши ҳам керак. Шу маънода конференция мамлакатимизда қарор топаётган сиёсий муҳитни акс эттирди ва партия, қолаверса, бутун совет жамияти Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан кейин ўтган уч йилдан сал кўпроқ вақт мобайнида эришган демократик ривожланишнинг савиясини кўрсатди деса бўлади, деб ўйлайман.

Энди ишимизнинг мазмуни ҳақида. Унинг бош якуни шундан иборатки, КПСС Марказий Комитетининг Тезислари асосида бутун партия, бутун халқ муҳокама қилган, сўнгра эса шу заллаги қизғин мунозара мавзуи бўлган барча туб масалалар юзасидан программавий сиёсий позиция ишлаб чиқилди. Бундан ташқари конференция Марказий Комитет киритган таклифларни шунчаки маъқуллаб қолмай, айни вақтда партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг тажрибаси билан бу таклифларни анча бойитди. Шундай демоқчиман: шу минбардан нутқ сўзлаган ишчилар синфи, деҳқонлар намояндаларининг, зиёлилар, олимлар ва маданият арбобларининг, халқ хўжалиги турли соҳаларининг мутахассислари, корхона раҳбарлари ва партия ходимларининг сўзларини ҳаммамиз зўр мароқ ва диққат-эътибор билан тингладик.

Моҳият эътибори билан конференция ҳозирги босқичда партия билан мамлакат олдида турган муаммоларнинг бутун комплексини қамраб олди: Аммо мунозарадаги ва биз қабул этган қарорлардаги энг муҳим жиҳат таъкидланадиган бўлса, қуйидагиларни айтган бўлур эдим. Партиянинг сиёсий авангард сифатидаги роли масаласи конференциянинг диққат марказида бўлди. Делегатларнинг фикри қисқача жамланадиган бўлса, бу соҳада нималарни уқтириб ўтиш мумкин? Партиянинг XXVII съезди ишлаб чиққан ва қайта қуришнинг шу пайтгача орттирилган тажрибаси билан бойитилган аниқ ҳаракат программаси борлигини тўла ишонч билан айтиш мумкин. Қайта қуриш сиёсатини қабул қилган ва ундан тисарилишга йўл қўймайдиган халқ партияни тўлатўкис қўллаб-қувватламоқда. Тушунишимча, бу хусусда конференция делегатларида шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

Бу ерда партияни янада кучли партияга айлантириш истаги талабчанлик билан жўшқин янгради, буни фақат табриклаш мумкин, сиз билан биз ҳаммамиз бунга қувонамиз, деб ўйлайман. Конференция резолюциясига ёзиб қўйилганидек, у иш маъмуни жиҳатидангина эмас, усуллари жиҳатидан ҳам партиямиз том маънода Ленин типидаги партия бўлишини талаб қилди. Бошқача қилиб айтганда, партия фармойиш бериш-буйруқбозлик усулларидан узил-кесил воз кечиши ва ўз сиёсатини совет қонунларига ва ижтимоий ҳаётнинг демократик принципларига жуда қаттиқ риоя этиб, ташкилотчилик, кадрлар, идеология иши орқали ўтказадиган бўлиши керак.

Давлат органларининг иши билан шуғулланишга асло йўл қўйилмасин, касаба союзларига, комсомолга, бошқа жамоат ташкилотларига, ижодий союзлар ва бошқа уюшмаларга ҳеч қандай буйруқ берилмасин. Бу гапдан — партиянинг раҳбарлик роли заифлашиши мумкин, деган хулоса чиқадими? Шундай шубҳалар айтилди. Менимча конференция бу саволга: йўқ, деб жуда равшан ва яққол жавоб қайтарди. Мамлакатни идора қилувчи партия бўлиб қолаверадиган партиямиз ўз раҳбарлик ролини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма воситаларга эгадир. 20 миллион коммунист, мана шу воситаларнинг энг муҳимидир, партия ўз сиёсий йўлини жамият ҳаётининг барча соҳаларида мана шу коммунистлар орқали ўтказаверади.

Демократиялаш, ошкоралик, партия комитетларининг вазифалари ўзгариши шароитида партиянинг обрўйи жиддий синовдан ўтади, ўртоқлар. Бу жараён ҳозирнинг ўзидаёқ давом этмоқда. Ростини айтайлик: буйруқбозлик — маъмуриятчилик системаси шароитида, партия аппарати ҳамма соҳада ва ҳамма ишда фармойиш бериб келган бир пайтда кўпинча: партия комитети ва партия секретарининг ҳақиқий раҳбарлик обрўйи қаерда-ю, энг яхши деганда, «лавозимнинг обрўйи» қаерда эканини билиб олиш қийин эди, зарурат тақозоси билангина унга бўйсунар эдилар.

Қайта қуриш, сиёсий системани ислоҳ қилиш принципиал янги вазиятни вужудга келтиришга шак-шубҳа йўқ, ўртоқлар. Янги шароитда партиянинг раҳбарлик роли ҳар сафар конкрет ишлар билан қайтадан исботланиши лозим бўлган реал обрў билан белгиланади. Шу боисдан ҳам биз партия аъзоларининг андаккина бўлса-да пассивлигини бартараф этишимиз ҳаётий заруратдир. Ҳар бир коммунист қайта қуриш учун, жамиятни революцион янгилаш учун курашчи бўлиши керак. Бу эса конференциямизнинг энг асосий накази бўлсин. **(Қарсаклар).**

Умуман, ўртоқлар, конференция Марказий Комитет апрель Пленумининг, партия XXVII съезди ленинча йўлини ривожлантиришда, қайта қуриш назарияси ва практикасини чуқурлаштиришда катта босқич бўлди. Унинг сиёсий миқёси ва салмоғи шу билан белгиланади.

Шу муносабат билан мен бир принципиал мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман: биз бир қанча чуқур ва пухта ўйланган, масъулиятли қарорлар қабул қилдик. Бироқ, агар шу қарорларнинг бажарилишини чўзиб юборсак, — бу эса ҳали ҳам биз халос бўлмаган мана шу сурункали иллат қайта қуришнинг дастлабки йилларида ҳам намоён бўлди — у ҳолда кўп ишимиз беҳуда бўлиши мумкин. Буни рўй-рост айтмоқ керак. Келинглар, газак олиб кетган иллатлардан халос бўлайлик ва ҳеч қандай қўшимча фармонлар, йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, изоҳларни кутиб турмай, амалий ишга дарҳол киришайлик. КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиуми доирасидаги зарур ишни ташкил

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

этайлик. Шундай қилайлик-ки, партияда бўлғуси ҳисобот-сайлов кампаниясиёқ биз бу ерда шартлашиб олган принциплар асосида ўтсин. Кузда аппарат структурасига ўзгартишлар киритайлик. Советларни қайта тузишга келганда эса, шу билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар комплексини СССР Олий Советининг кузги сессиясида кўриб чиқайлик. 1989 йилнинг апрелида СССР халқ депутатлари сайловини, келгуси йилнинг кузида эса иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советига сайловни ўтказайлик.

Шу муаммоларнинг жуда катта моҳиятини эътиборга олиб, конференция Президиуми делегатлар муҳокамасига мамлакат сиёсий системаси ислоҳотини амалга оширишга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида қисқача резолюцияни киритади.

Конференциянинг сиёсий якунлари мана шулардан иборат. Ҳар бир делегат уйига қайтиб боргач, ишдаги ўртоқларига, коммунистлар ва партиясизларга, барча гражданларга бундан буён қандай иш тутишимизни, конференция қарорларини қандай қилиб амалга оширишимизни гапириб бера олади.

Сўнгра. Конференция ишининг сўнгги онларигача жамиятни демократиялаш, сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш масаласи диққат марказида турди. Биз унинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичларини белгилаб, шу тариқа олдимизда турган: қайта қуришни чуқурлаштиришни ва унинг муқаррарлигини қандай қилиб таъминлаш мумкин,— деган асосий саволга жавоб қайтардик, деб ўйлайман. Шундай қилиб, конференция ўзининг асосий вазифасини бажарди, деб айтиш учун ҳамма асослар бор. **(Қарсаклар).**

Ўз-ўзидан равшанки, келгусида ислоҳотларни турмушга татбиқ этиш соҳасида зўр ғайрат билан ташкилий иш олиб борилиши керак бўлади. Мана шуларнинг ҳаммасини партияда ҳам, жамиятда ҳам обдон муҳокама қилиш лозим. Аммо биз энди сиёсий системани айни қандай қилиб ўзгартириш лозимлигини биламиз, умумий бир фикрга келдик, шу фикрни сиёсий йўл-йўриқлар тарзида таърифлаб бердик.

Конференцияда туб иқтисодий ислоҳотни давом эттириш ва чуқурлаштириш қатъияти кучли янграганлиги ҳам жуда муҳимдир. Бунинг учун Марказий Комитетнинг 1987 йил июнь Пленуми қарорларида, қабул этилган қонун актларида, айниқса Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги, кооперация ҳақидаги Қонунларда шарт-шароит яратилган эди. Кўпгина корхоналарнинг янги принциплар асосида дастлабки ойларда ишлаш тажрибаси, ислоҳот қандай бораётганлиги масалалари диққатимиз марказида бўлди. Шундай бўлиши ҳам тўғри эди: базисда рўй бераётган ҳамма воқеалар жамият учун жуда катта аҳамиятга эгадир, бу қайта қуришнинг пойдеворидир.

Агар шу масалалар хусусидаги мунозаранинг энг муҳим, таянч жиҳатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, конференциядан кейин биз ишга тўғаноқ солиш иллатларини тугатишни охиригача олиб бориш билан асосли равишда шуғулланишимиз ҳақида гап бормоқда. Деярли барча делегацияларнинг вакиллари ҳозирча бюрократизм тишини ғижирлатиб турибди, қаршилик кўрсатмоқда, ишга ҳалақит бермоқда, деб айтдилар. Натижада эса ислоҳот кўп соҳаларда юришмай қолмоқда. Бу, эҳтимолки, делегатлар бу ерга олиб келган энг муҳим қузатувларнинг биридир, демак, гап кенг тарқалган ҳодиса ҳақида бормоқда. Бундан чиқадиган хулоса шуки, биз Марказий Комитетда ҳам, ҳукуматда, марказий ва маҳаллий ташкилотларда ҳам туб иқтисодий ислоҳотни зўр ғайрат билан илгари силжитиш учун бутун кучни ишга солишимиз керак.

Ҳозирги босқичда асосий кучларни озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга қаратиш, деҳқонларимизга ҳар томонлама ёрдам беришни, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйиш зарурлиги ҳақида гапирган ўртоқларнинг фикрини делегатлар якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман. Шу беш йилликдаёқ қилиниши лозим бўлган ишлар албатта бажарилиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ биз кўпгина ресурсларни қидириб топдик, турли йўллар билан бу соҳага қўшимча капитал маблағ билан ресурслар юбордик. Мана шуларнинг ҳаммаси чинакамига ўзлаштирилиши, ишга солиниши керак. Қишлоқни кўтариш — бизнинг муқаддас бурчимиздир. Ўйлайманки, конференциядан кейин талабчанликни кучайтириш, конференциянинг аграр секторни, қишлоқ меҳнатчиларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги кўрсатмасини амалга ошириш бутун жараённини назоратга олиш лозим. Шундагина биз озиқ-овқат муаммоси тезроқ ҳал этилишига эриша оламиз. **(Қарсаклар).**

Назаримда, конференциянинг яна бир хусусияти шундан иборатки, сиёсат ва экономиканинг энг зарур муаммолари унда маънавий соҳа билан чамбарчас боғлаб муҳокама қилинди, бамисоли маънавий мезонлар билан ўлчанди. Иқтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида, барча ижтимоий жараёнларга фан-техника революциясининг зўр таъсири шароитида ҳеч қандай муаммолар халқнинг интеллектуал ва маънавий потенциалисиз чинакамига ҳал бўла олмаслигини чуқур тушуниш мана шунда намоён бўлди. Илм-фан, маориф, маданият муаммоларини, адабиёт ва санъат тақдири баланд, юксак пардаларда муҳокама қилиниши мана шундан келиб чиқади.

Бу жабҳадан шу қадар кўп вакиллар қатнашган бошқа партиявий анжуманларни, ҳатто съездларни ҳам эслай олмайман ва билмайман. Бу минбардан ижтимоий онгда ўзаро баҳамжиҳат амал қилаётган, баъзан эса қурашаётган тенденцияларни акс эттирувчи турли нуқтаи назарлар янгради. Бу —қонуниятлидир. Биз фикрлар хилма-хиллигини қарор топтиряпмиз, маънавий монополияни рад этяпмиз. Бироқ конференцияда баён этилган хилма-хил мулоҳазаларда бирлаштирувчи асосий фикр бор, у ҳам бўлса — ҳамма ишда инсонни, халқнинг манфаатларини кўзлаш, социализмнинг инсонпарварлик қадриятларини қарор топтириш кераклиги тўғрисидаги фикр десам сизлар бунга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Шундагина жамиятда мусаффо маънавий муҳит ҳам, ижодий фикрнинг жўшқин иши ҳам, маданиятнинг чинакам равнақи ҳам таъминланади.

Бизга порлоқ келажакка кўр-кўрона ишониш эмас, балки социалистик жамият кишисида, унинг меҳнати ва ижодиётида яшириниб ётган битмас-туганмас имкониятларни чуқур ва аниқ билишга таянувчи илмий прогноз керак. Айнан шу боисдан ҳам биз қайта қуришнинг мақсади социализмнинг янги, инсонпарварлик қиёфасига эришишдан иборат эканлиги ҳақида гапиряпмиз. **(Қарсаклар).**

Ошкоралик конференциянинг қаҳрамонларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Аввало, шунинг учунки, мунозарамизнинг ўзи жамиятда қарор топаётган рўй-ростлик, софдиллик, сидқидиллик муҳитининг натижаси бўлди. Яна шунинг учунки, бу ерда келгусида ошкораликни қай тарзда ривожлантириш кераклиги, унинг эҳтимол тутилган ва оқилона чегаралари қандайлиги муҳокама қилинди. Гарчи фикрлар ҳар хил бўлса-да, бу соҳада ҳам биз пировард натижада оммавий ахборот воситаларини, уларнинг ўтмишдан бизга қолган турли-туман салбий ҳодисаларни супуриб, итқитиб ташлаш, қайта қуришнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган дадил, янгича иш тутувчи, жозибадор қишиларни рағбатлантириш соҳасидаги ишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деган фикрга келдик.

Иккинчи томондан эса, матбуот сўзи учун масъулиятни ошириш, гуруҳбозлик ва маҳкамачилик нафсонилярни ва тарафкашликлардан, фақат менинг гапим ҳақ, деган даъволардан халос бўлиш учун журналистларга нисбатан аниқ-равшан талаблар янгради. Матбуот сўзи авторитарлик ва бюрократик ўзбошимчаликнинг итоатгўй қуроли бўлиб қолган замонлар ҳали халқнинг эсида турибди. Шу боисдан ҳам ҳозир, турмушимизнинг ҳамма жиҳатлари инсонпарвар бўлиб бораётган пайтда танқид маданиятини, ўртоқларча мунозара маданиятини ўрганиш муҳимдир. Ўйлайманки, бу жиҳатдан ҳам конференциянинг иши ибратли бўлди: Биз ҳаммамиз партиявий мунозарани қандай олиб бориш кераклигини яхшироқ тушуна бошладик. **(Қарсаклар).**

Мана шу мунозарага муносабат доирасида Борис Николаевич Ельциннинг нутқини четлаб ўтишнинг имкони йўқ, деб ўйлайман. Аввало шунинг учунки, мунозарамизнинг ўзи жамиятда қарор топаётган рўй-ростлик, софдиллик, сидқидиллик муҳитининг натижаси бўлди. Яна шунинг учунки, бу ерда келгусида ошкоралики қай тарзда ривожлантириш кераклиги, унинг эҳтимол тутилган ва оқилона чегаралари қандайлиги муҳокама қилинди. Гарчи фикрлар ҳар хил бўлса-да, бу соҳада ҳам биз пировард натижада оммавий ахборот воситаларини, уларнинг ўтмишдан бизга қолган турли-туман салбий ҳодисаларни супуриб, итқитиб ташлаш, қайта қуришнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган дадил, янгича иш тутувчи, жозибадор қишиларни рағбатлантириш соҳасидаги ишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деган фикрга келдик.

Иккинчи томондан эса, матбуот сўзи учун масъулиятни ошириш, гуруҳбозлик ва маҳкамачилик нафсонилярни ва тарафкашликлардан, фақат менинг гапим ҳақ, деган даъволардан халос бўлиш учун журналистларга нисбатан аниқ-равшан талаблар янгради. Матбуот сўзи авторитарлик ва бюрократик ўзбошимчаликнинг итоатгўй қуроли бўлиб қолган замонлар ҳали халқнинг эсида турибди. Шу боисдан ҳам ҳозир, турмушимизнинг ҳамма жиҳатлари инсонпарвар бўлиб бораётган пайтда танқид маданиятини, ўртоқларча мунозара маданиятини ўрганиш муҳимдир. Ўйлайманки, бу жиҳатдан ҳам конференциянинг иши ибратли бўлди: Биз ҳаммамиз партиявий мунозарани қандай олиб бориш кераклигини яхшироқ тушуна бошладик. **(Қарсаклар).**

Мана шу мунозарага муносабат доирасида Борис Николаевич Ельциннинг нутқини четлаб ўтишнинг имкони йўқ, деб ҳисобл

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

РЕВОЛЮЦИОН ЯНГИЛАНИШ МУҚАРРАР ТУС ОЛСИН

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Нотиқ Россия Ноқоратупроқ зонасини ривожлантиришнинг бутун мамлакат учун аҳамияти тўғрисида гапириб, хусусан шаҳарликларни уларнинг шаҳардаги квартираларини ўз ихтиёрларида қолдирган ҳолда, ижара пудратига жалб қилиш имкониятини қайд этиб, деҳқончилик ва чорвачиликда меҳнатни ташкил этиш формаларини ижодий қўлланиш муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътиборни қаратди.

Пировардида нотиқ одамлар ташаббусини қулоч ёйдириш учун шахсга сиғинишга қайтиш мумкинлигидан чўчишга барҳам бериш лозим деган фикрни айтди. Раҳбарларни икки муддатга сайлаш лозим, бундан ҳеч ким истисно қилинмайди.

1 июль куни конференция ўз ишини давом эттирди.

* * *

1 июль куни Кремлнинг Съездлар саройида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўз ишини давом эттирди. Нотиқлар ишчанлик руҳида амалий таклифларни киритмоқдалар. Конференциянинг олтита резолюциясида делегатларнинг янгича ёндашувларни ва самарали ечимларни излаб топиш йўлидаги ҳаракатлари ўз ифодасини топди. Ана шу резолюциялар иқтисодий ўзгартишларни, турмушнинг барча томонларини кенг демократиялашни амалга ошириш, сиёсий системани ислоҳ қилиш йўлларида, қайта қуриш жараёнларининг муқаррарлиги белгиси остида жамиятни революцион янгилашнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Эрталаб соат 10 да КПСС Марказий Комитетининг доклади юзасидан музокаралар яна давом эттирилди. Раислик қилувчи **А. А. Громико** КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари **В. К. Месяц**га сўз беради.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, деди у, биз ҳаммамиз қайта қуриш тақдири учун зўр масъулиятни ҳис этаётган руҳда ўтмоқда. Делегатлар олган асосий наказлар орасида партия қайта қуришдан иборат қатъий йўлдан асло чекинмаслиги, жамиятимизни социал-иқтисодий тараққий эттиришни жадаллаштиришга, кенг демократиялашга, ошкораликка, туб иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан амалга оширишга қаратилган йўлига нисбатан ишончсизлик келтириб чиқарди. Ҳозир янги қонун акти тайёрланмоқда, унга кўра шахсий иш ҳақига прогрессив солиқ солиниши билан бир қаторда кооперативларга солинадиган солиқ улар ялпи даромадининг ўттизи процентига етади. Агар шу қонун акти қабул қилинадиган бўлса, биз кооператив ҳаракатининг томирига болта урган бўламиз.

Нотиқ Озиқ-овқат программасини ҳал этиш тўғрисида гапириб, қишлоққа оталиқ ёрдамини иқтисодий, шартномавий асосда анча сифат жиҳатидан юқорироқ даражада қучайтириш зарурлиги тўғрисида СССР Министрлар Советининг махсус қарорини қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

Делегат Совет раиси билан тегишли партия комитетининг биринчи секретари лавозимларини бир киши эгаллаши тўғрисидаги қоидани Москва области коммунистларининг делегацияси номидан қўллаб-қувватлади. У матбуот тўғрисида Қонун қабул қилиниши масаласига тўхталиб, бу ҳужжатнинг қабул этилиши оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқларини ҳам, жавобгарлигини ҳам белгилаб берган бўлур эди, деди.

СССР 50 йиллиги номли Волжск автомобиль заводи механика-йиғув ишлаб чиқариши шасси цехининг созловчиси **А. А. Мельников** ўз нутқини меҳнат коллективи кенгашининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роли ва ўрнига бағишлади. У қайта қуришнинг муваффақияти оддий меҳнатчилар жамиятида содир бўлаётган жараёнларда қанчалик фаол ва тўлиқ иштирок этишларига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади, деб таъкидлади.

Делегатнинг айтишича, меҳнат коллективларининг дастлабки кенгашлари ВАЗда ишлай бошлаганидан буён ўтган ўн йил шуни кўрсатдики, мазкур ўзини ўзи бошқариш органлари тузилиши билан айниқса агар ишчиларнинг ўзлари кенгашларнинг раислари ва аъзолари бўлишса тайёрга айёр ишчидан, томошабин ишчидан соҳиб ишчи сари йўл анча тезроқ босиб ўтилаётганлигини маълум қилди. Сўнгра нотиқ касаба союз комитетлари билан меҳнат коллективлари кенгашлари ўртасидаги муносабатларга тўхталди.

Шундай бўлса-да, меҳнат коллективлари кенгаши фаолиятида муаммо ва қийинчиликлар бор. Экономикадаги мавжуд тўсқинлик механизми давлат корхонаси тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини амалда тўла-тўкис қўлланиш имконини бермаяпти, баъзи жойларда бу қонун умуман бажарилмаяпти. Коллектив маҳсулотни, хусусан пландан ташқари маҳсулотни қандай реализация қилиш кераклигини ўзи ҳал этаолмаётган экан, ўзини ўзи бошқариш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин. Шундай ғайри табиий ҳоллар ҳам бўладики, коллективнинг пули бор-у, аммо у шу пулларни қаерга сарф лашни билмайди. Шу боисдан корхонанинг мустақиллиги тўғрисида гапирилаётган экан, у чала-ярим эмас, балки тўла мустақиллик бўлиши лозим. Конференция тўсқинлик механизмининг ҳалокатли таъсирини зарарсизлантириш чораларини белгилаши керак, деб ҳисоблайди нотиқ.

Меҳнат коллективлари кенгашларини уларнинг майда-чуйда ишларига аралашаверишдан ва улар фаолиятини чеклашдан ҳалос қилиш уларга ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг, социал ривожланишнинг, бошқаришни демократиялашнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишда ёрдам беради. Афсуски, ҳозирча юқоридан берилаётган изоҳлар ва тавсиялар уларнинг кенгаш аъзолари сонини мустақил белгилашларига, унинг аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш масалаларини ҳал этишларига имкон бермаяпти.

Нотиқ янги органнинг ҳуқуқларини қарор топтириш осон бўлмаётганлигини ВАЗ меҳнат коллективлари кенгашлари ишининг конкрет мисолларида кўрсатиб берди: эскича тасаввурлар ва одатлар ўзгармоқда, маъмурият томонидан ҳали ҳам қаршилик кўрсатилмоқда. Аммо бунинг ҳеч бир қўрқинчли жойи йўқ, чунки экономикани ислоҳ қилиш, давлат корхонаси тўғрисидаги қонуннинг кучга кириши меҳнат коллективлари кенгашининг роли ва аҳамиятини яна ҳам юқорироқ даражага кўтармоқда.

Делегатнинг фикрича, меҳнат коллективлари кенгашлари вакилларининг Бутуниттифоқ кенгашида ишчиларнинг ўзини ўзи бошқариш янги органлари фаолиятга таллуқли кўпгина масалаларни ҳал этиш мумкин. Делегат марказий матбуот органлари ишида ошкоралик энг юқори даражада бўлиши, фақат КПСС съездларига бўйсунувчи марказий контрол комиссиясини қайтадан ташкил этиш ҳақидаги таклифларни ҳам қўллаб-қувватлади. У ишнинг моҳиятини билмаслик баъзида афкор оммага ғулғула солувчи беъмани ғийдирмаларни юзага келтиришини уқтириб ўтди. Марказий контрол комиссияси эса раҳбар ходимларнинг сўзи ва иши бирлигини таъминлаш билан шуғулланиши керак.

Совет кишилари Ватан тақдирини ва ўзларининг орзу-умидларини мазкур конференция билан боғламоқдалар, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Табиатни муҳофаза этиш давлат комитетининг раиси **Ф. Т. Моргун**. Халқ Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан ишлаб чиққан ва шундан кейинги Пленумлар ҳамда партия XXVII съезди ижодий ривожлантирган мамлакат учун халоскорлик платформасини ҳимоя қилиш ва қатъият билан амалга ошириш тўғрисида наказ берди.

Нотиқ экология муаммоларига батафсил тўхталиб, инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар аҳволини ўткир танқидий руҳда таҳлил этди. Экологик жиҳатдан масъулиятли ва хавотирли бўлган давримизда ҳали кўпчилик кутиб туриш позициясида экан, бу ғоят хатарлидир, деди у. Агар табиий муҳитни асраш тараққиётимизни белгилаб берадиган энг муҳим омилга айланмас экан, инсониятнинг омон қолиши учун имконият бўлмайди. Экология соҳасида қайта қуриш зарургина эмас, балки муқаррардир. Бу соҳада ҳам қайта қуриш кечикиб қолди.

Экологик вазият нега энди бунчалик ёмон? — деб савол берди нотиқ ва ўзи жавоб қайтарди: барча беш йилликлар мобайнида ўйламай катта-катта корхоналар қуришга интилиш кўпгина регионларда саноатнинг ҳаддан зиёд тўпланиб қолишига ва табиий муҳитнинг йўл қўйиб бўлмайдиган даражада зўриқишига олиб келди. Сановатлаштириш экологик талаблар зарур даражада ҳисобга олинмай амалга оширилди. Бизни нима кутиб турганлиги ая бўлиб қолган сўнгги йилларда ҳам шундай бўлди. Табиатни муҳофаза этиш техникаси тўғрисида ўйлашмади, шу мақсад учун жуда кам маблағ ажратилди.

Мамлакатимиздаги асосий иқтисодий муаммолар бизда завод ва фабрикаларнинг камлигидан эмас, аксинча буларнинг ниҳоятда кўплиги боисидан юзага келди, деб таъкидлади СССР Табиатни муҳофаза этиш давлат комитетининг раиси. У янги корхоналар қуришга ружу қилмай, эскиларини модернизациялашга даъват этди.

Нотиқнинг фикрича, қишлоққа ёрдам бериш масалалари нуфузли масалалар қаторида бўлиши лозим, конференциянинг деярли ҳар бир делегати шу ҳақда ташвишланиб гапирди. Агар озиқ-овқат проблемасини ҳал этмасак, яқин йиллар ичида халқ ишончидан маҳрум бўламиз. Қишлоқ экологиянинг ҳам халоскоридир, қишлоққа ҳар томонлама ёрдам бериш керак. Бундан шаҳар ҳам ютади, хуллас ҳамма ютади.

Экология муаммолари ўзўзидан пайдо бўлмайди, дейди Ф. Т. Моргун. Бу муаммолар — чаласаводлик, хўжасизлик ва масъулиятсизлигимиз оқибатидир. Табиат таҳқир этилаётган, одамлар саломатлигига путур етаётган экан — бунда конкрет одамлар, лойиҳа институтлари ва қурувчилар, давлат комиссияларининг аъзолари жавобгардирлар, улар раҳнамолигида табиатни маҳв этадиган объектлар қурилмоқда. Неча ўн йилдан буён, деб таъкидлади у, муҳит ҳалокатли тарзда булғанмоқда, ўрмонлар кесилиб кетмоқда, ероснти бойликлари ўйламай-нетмай тасарруф этилмоқда. Табиатни маҳв этиш билан ўз жонимизга ўзимиз қасд этаётганлигимизни тушунмаётган бутун бир авлод вояга етди. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейингина, қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик туфайли партия ва ҳукумат раҳбариятининг ташаббуси билан атроф муҳитни асраш учун, илм-фан ва технологиядаги чинакам тараққиёт учун, сохта умидворликка қарши умумхалқ кураши бошланди.

Нотиқ конференция аҳлидан мамлакатдаги экологик вазиятни соғломлаштириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда ёрдам беришни сўради. Бизнинг вазифамиз, деди у, экологияни экономикага қарамақарши қилиб қўйиш эмас. Биз бу муаммоларга умумдавлат манфаатлари нуқтаи-назаридан ёндашишимиз керак. Бундай ёндашув маҳаллийчиликни қўллаб-қувватлашни, идоравий худбинликни ҳам истисно этади. Табиатни муҳофаза этиш органларининг бутун иши илмий ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, Давлат план комитети ва министрликлар билан мустаҳкам ҳамкорликда бажарилади. Атроф муҳитни муҳофаза этиш учун курашаётган жамоатчилик ҳаракати билан мустаҳкам ҳамжиҳатлик муваффақиятли ишнинг муқаррар шартидир.

Докладни муҳокама қилиш чоғида металлург ишчиларнинг, Чувашиядаги колхоз раисининг нутқлари ва Федор Трофимович Моргуннинг ҳозиргина янграган нутқи юксак фикр-ўйлар билан йўғрилган, деди «Знамя» журналининг бош редактори **Г. Я. Бакланов**. Ёзувчилар эса ўз муаммолари теварагида ўралашиб, гинахонлик билан, саёзроқ гапиришди. Бондарев шу минбардан туриб таклиф этганидек, наҳотки, бутун мамлакатдан беш минг нафар делегат йиғилиб, Викулов журналга 20 йил муҳаррирлик қилсинми ёки бу лавозимни унга умрбод муҳрлаб берайликми,— деган масалани ҳал этиши зарур бўлса? **(Залда ғовур-ғувур).**

Биз дунёда биринчи бўлиб яшаётганимиз йўқ, инсоният тажриба орттирган, деб сўзини давом эттирди нотиқ. Шу тажрибанинг бир қисмидан чиқадиган хулоса бор: одамлар ўз тарихида неча марталаб эўр куч-ғайрат ва эҳтирос билан қулликдан қутилиш учун курашганлар. Озодлик учунгина бундай куч-ғайрат ва эҳтирос билан курашса арзийди. Уттиз еттинчи йилда Колонна залида суд мажлислари бўлаётганида ва одамлар плакатлар кўтариб олиб, судланувчиларни қатл этишни талаб қилганларида, яқин орада ўзларининг бошига ҳам шундай қора кун тушишини ўйламаган эдилар.

Кимки ҳозир ошкораликкa қарши курашаётган бўлса, у ўзининг асоратга тушиши учун курашяпти. У сўз айтишга эҳтиёж сезганида, унга бундай сўз берилмайди. Ошкораликсиз социализм ҳам бўлмайди! Озодлик обиҳаётидан энди бир ҳўплам ичганимизда, наҳотки, йўтиламиз тутиб қолса, ўртоқлар! **(Ғовур-ғувур).** Матбуот тўғрисида қонун зарур, деб таъкидлади нотиқ. Матбуот ҳоҳиш-ирода билдириш қабилида яшай олмайди, бугун ошкоралик тарафдори бўлиб, эртага эса ошкораликкa қарши чиқа олмайди. Қатъий юридик асос керак. Виждон билан айтадиган бўлсак, бизда ҳали демократия йўқ, биз уни эндигина ўрганяпмиз. Юқори табақадагилар ҳамон қонунлар ўзларига ҳам тааллуқли эканига кўпинча ишонмаяптилар, қуйидагилар эса, демак, демократия менинг учун эмас экан, деб ҳисобламоқдалар. Масъулият бўлмаса, озодлик ҳам бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, аммо мансабдор шахсларгина эмас...

Залдаги ғовур-ғувур нотиқнинг сўзини давом эттиришига халақит беради.

М. С. Горбачев: Ўртоқлар, келинглар, ҳар ҳолда, ҳамманинг нуқтаи назарини эшитайлик, деб ўйлайман. Сизларда тасаввур ҳосил бўлади, сизлар нуқтаи назарни билишни хоҳлайсизлар, Сиёсий бюро аъзоларидан, ҳукумат аъзоларидан, раҳбарлардан ҳар бирининг позициясини, бирон-бир катта ишга қўйиб қўйилган кишининг, бу ўринда фронтчи ёзувчининг, муҳаррирнинг фикрини билишни хоҳлайсизлар-ку,— шу кунларда бу фикр янгради-ку, ахир. Модомики шундай экан, у ўз фикрини айтаверсин, биз эшитайлик, билиб оласизлар, билиб олиб фикр юритасизлар. Гапини айтаверсин. Акс ҳолда биз фақат вақтни чўзамиз. Демократия шуни тақозо этади: ҳар бир делегат гапирсин, сизлар сўз олиб ўз муносабатингизни билдиришингиз мумкин. Ёки ўз фикрингизда қолиб, хулоса чиқарасизлар ва ўртоқ Бакланов қандай позицияда турганини билиб оласизлар.

Г. Я. Бакланов: Инсоният мева териш ва ов қилишдан деҳқончилик ва чорвачиликка ўтган пайтдан бошлаб, сут соғиш учун елинни суғуриб олиш керак эмаслигидан иборат оддий ҳақиқатни ўқиб олди. **(Залда ғовур-ғувур).** Аввал сигирни боқиш, сўнгра эса соғиш керак. **(Залда ғовур-ғувур).** Ваҳолонки... Бизнинг Молия министрлигимиз шу пайтга қадар тутаётган сиёсатга биноан...

Нотиқнинг сўнгги сўзлари залнинг ғовур-ғувурига чўкиб кетади.

М. С. Горбачев: Ўртоқлар, бу ерда ишни ҳис-ҳаяжон билан эмас, балки мулоҳазаларнинг ошкоралиги билан, фикрларни таққослаш билан ҳал этиш керак, кейинчалик биз буларни сиёсий йўл-йўриқларимизда, қарорларимизда ифодалаб беришимиз керак бўлади. Биз нотиқнинг нуқтаи назарини қабул қиламизми ёки йўқми — бу бизнинг ишимиз, биз бу масалани коллектив бўлиб ҳал қиламиз. Келинглар, ҳар ҳолда, бизнинг ҳақимизда фақат ҳис-ҳаяжон билан иш тутишяпти, деган фикр вужудга келмасин. Зиммамиздаги масъулият жуда катта. Келинглар, ўртоқнинг фикрини эшитайлик. **(Қарсаклар).**

Г. Я. Бакланов ўз нутқининг охирида суддаги маслаҳатчиларни кўпайтириш ва уларга айбдорлик ёки айбсизлик тўғрисида ҳукм чиқаришларига ижозат беришни таклиф қилади.

Афғонистондаги совет қўшинлари чекланган қисмлари шахсий состави коммунистларининг вакили бўлган генерал-лейтенант **Б. В. Громов** минбарга чиққанида делегатлар уни қарсаклар билан кутиб олдилар. Биз Афғонистонга қўшинларни ана шу мамлакат қонуний ҳукуматининг илтимосига кўра ва мамлакатларимиз ўртасидаги шартномага мувофиқ, БМТ Уставининг маълум моддаси асосида киритдик, деди у. Ҳозир эса биз ана шу мамлакат ҳукумати билан келишиб олиб, мустақил Афғонистонни асраб қолишга қаратилган Женевада имзоланган битимлар асосида Афғонистондан чиқиб кетмоқдамиз, маълумки, бу мамлакатда аксилинқилобчилар қуролларини ташлашгани йўқ. Можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг душманлари халқни унинг ярим феодал ўтмишига қайтаришга уринмоқдалар. Бунинг учун улар барча воситаларни ишга солмоқдалар.

Юз минглаб йигитларимиз уруш йилларида мардлик ва қаҳрамонликнинг хатарли ва мураккаб мактабидан ўтдилар. Совет кишилари ўз фарзандларининг жасоратини ҳеч қачон унутмайдилар. Биз у ерда одамларимиздан жудо бўлдик ва ҳар бир ўлим юрагимизни ўртади. Қулфатнинг бегонаси бўлмайди. Жудолик алами вақт ўтиши билан унутилиши мумкин, аммо ҳамиша ҳам хотирадан чиқиб кетавермайди. Лекин бизга ҳарбий бурч туйғуси ҳамиша мадад бериб турди.

Ҳозир Ғарбда мағлубиятимиз ҳақида, гўё биз урушда ютқизиб қўйганлигимиз тўғрисида гапирмоқдалар. Кимдир доноликнинг чегараси бор, ахмоқликнинг чегараси йўқ, деб ҳўп топиб, тўғри айтган экан. Бизнинг барча мухолифларимиз биз Афғонистонга эзгу ҳоҳиш-ирода билан қадам қўйганлигимизни тушунишни истамаяптилар. Гарчи катта жудоликлар эвазига бўлса ҳам, биз бу вазифани бажардик.

Нотиқ Афғонистонда уч марта бўлиб, контрреволюциянинг бу мамлакатга қарши қуролли жиноятларининг гувоҳи бўлганлигини айтди. У аёлларнинг кўз ёшлари, болаларнинг ғам-ғуссаси, бошига қулфат тушган одамларнинг дардини ўз дарди деб билган солдатларимиздан фахрланиб гапирди. Афғонистонда ўтган кунларни таҳлил қилар экан-миз, мамлакатнинг қайси ўлкасидан келганликлари ва илгари нима иш билан машғул бўлганликларидан қатъий назар, бизнинг йигитларимиз ватанпарварлик ва интернационализм илмини ўзлаштириб олмоқдалар ва душман билан қақшатқич кураш олиб боришнинг реал заруратини англамоқдалар, деган хулосага келамиз. Ҳарбий саркарда, бу ўринда кишиларимиз қалбига Совет ҳокимияти, партия ва комсомол ташкилотлари бахш этган қудратли маънавий омил ўз кучини кўрсатади, деб ишонч билан айтди.

Ватан Афғонистондаги жангчилар она юртимиз манфаатларидан, бу ердаги воқеалардан бохабар бўлиб туришлари учун ҳамма ишларни қилмоқда. Жангчиларимиз ҳақиқатан ҳам Ватан ўй-ташвишлари билан яшамоқдалар, қайта қуриш суръатини сезиб турибдилар. Нотиқ уйига қайтиб келаётганлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарурлигига катта эътибор берди. Ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари сингари қайтиб келган жангчилар ҳам район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари, ҳарбий комиссариатлар ва комсомол, ҳарбий қисмларнинг диққат марказида бўлишлари лозим.

Афғонистондаги уруш биз, жангчиларни муайян хулосалар чиқаришга мажбур этди, деб таъкидлади делегат. Шу жумладан, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни тубдан яхшилаш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқариб олишимиз керак. Ҳозир Ватан мудофааси тўғрисида ғамхўрлик қилиш худди илгаригидек, долзарб масаладир, деб ўйлаймиз. Айрим одамларнинг мамлакатимиз учун ҳарбий хавф эскириб қолган тушунчадир, деб даъво қилишга уринаётганликларини кўриб танг қоласан, киши. Афсуски, бундай эмас. Баъзи одамлар интернационалист жангчиларнинг жасоратига шубҳа билан қарашга уринмоқдалар. Уруш алангасида ўтган йилларнинг муқаддаслигига ёшлар ишончини букишга, ватанни ҳимоя қилишдек Конституцияда белгилаб қўйилган муқаддас бурчни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деди ишонч билан нотиқ.

Халқ истеъмоли товарларини кўпайтириш муаммоси социал сиёсатнинг асосий масалаларидан биридир, деди Смоленск шаҳридаги трикотаж фабрикасининг директори **Н. К. Емелина**. Делегат ўзи ишлаётган тармоқдаги камчиликлар ва ташвишлар ҳақида куйиб-пишиб, ишонч билан гапирди. Енгил саноат маҳсулотига биз қачонгача маҳтал бўлиб туравермиз, деди у. Трикотаж фабрикалари учун янги ускуналар ишлаб чиқариш ҳозир мудофаа манфаатлари учун ишлайдиган министрликларга топширилган. Аммо бу министрликлар бизнинг талабномаларимизни давлат буюртмасига киритишгани йўқ, бизга илгари маҳсулот етказиб берган корхоналар эса бундай ускуна тайёрлашни тўхтатиб қўйишган.

Нотиқ Иваново областидан келган делегат В. П. Кабаидзенинг конференциядаги нутқини қўллаб-қувватлади. Таъзим қилиб, ялиниб-ёлвориб юравериш жонга тегди, деди директор. Енгил саноат корхоналарида олинаётган фойданинг 70-80 процента давлат бюджетига ва министрликларга ўтиб кетаверса, биз нима қилайлик, ахир? Смоленск трикотаж фабрикаси бир ярим йилдан буён ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаяпти, шундан буён фойда 50 процент кўпайди, аммо ишчилар коллективига тер тўкиб топилган маблағ эвазига уй-жой қуришнинг иложи бўлмай турибди.

Смоленск трикотаж фабрикасида асосан хотин-қизлар ишлашмоқда, улар фидокорлик билан, жон куйдириб катта масъулиятни зиммаларига олиб меҳнат қилмоқдалар, деди нотиқ. Нега энди министрликлар ҳам ўз тармоғидаги меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига худди ана шундай масъулият билан қарашлари мумкин эмас? Ахир, меҳнат коллективлари кенгаши бекорга тузилмаган-ку, деди делегат. Ва ниҳоят, корхона эмас, балки министрликлар фойдадан ажратмалар тўғрисидаги масалани худди ана шу корхоналар билан келишиб олишлари ҳақидаги масалани кўриб чиқиши керак.

Смоленск область партия ташкилотининг вакили Бутуниттифоқ партия анжуманида ишлаб чиқилган қарорлар мамлакатдаги барча коммунистларнинг қайта қуриш платформаси атрофида жипслашувига ёрдам беради, деб ишонч изҳор этди.

СССР Ёзувчилар союзи правленесининг секретари, Украина ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари делегат **Б. И. Олейник** ўз нутқини жамиятимиз маънавий ҳаётини қайта қуришга бағишлади. Нотиқ миллионлаб совет кишиларининг фикрини ифодалаб, шахсга сиғиниш даврида, бадном бўлган тургунлик кезларидаги демократияни абгор қилиш ва ундан чекинишларни бундан буён ҳам шафқатсиз фош этишга чақирди.

Айни вақтда адиб тарихимиздаги ёзилмай қолган саҳифаларни тўлдиришда совет кишилари оғир, баъзан эса ниҳоятда мушкул шароитда Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, бўлажак авлодлар манфаатини кўзлаб яратган барча нарсаларни асраб-авайлаш зарурлигини уқтирди. Адабиёт авлодлар алоқасини бузиб ташламай, балки мустаҳкамлаш даркор. Хотираси бўм-бўш, аждодини танимаганлар хавфли манқурт бўлиб етишади.

Делегат, агар унинг ибораси билан айтадиган бўлсак, қора даврлар тўғрисида оқ китоб нашр этишни таклиф қилди. Бу китобда репрессия қурбонларининг номалари ёзилиши билан бир қаторда қонунсизлик амри фармонларини тўқиб чиқарган ва амалга оширганлар ҳам санаб ўтилиши керак. Ўша даврларда ҳалол совет кишилари устидан ёлғон-яшиқ чақувларни ҳунар қилиб олган кишилар ҳам шафқатсиз фош этилиши лозим. Бундай қилиш ҳозирги давримизда ҳам ғаразгўйлик мақсадларида ўз ўртоғига туҳмат тошини отишга тайёр бўлиб турганларни огоҳлантириб қўйиш учун зарурдир.

Нутқда совет халқлари миллий маданиятларининг равнақига боғлиқ бўлган масалаларга катта эътибор берилди. Делегат мамлакатимизда яшайдиган миллатлар ва элатларнинг мулоқоти муаммоларига батафсил тўхталиб ўтди. Бу муносабатларни маданият соҳасида ҳам, бошқа соҳаларда ҳам такомиллаштириш керак.

Мен, деди сўнгра адиб, республика жамоатчилигининг Украинада энергетика тараққиёти программасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида партия конференциясига мурожаатномасини олиб келдим. Бу ҳужжатга олти мингдан кўпроқ киши имзо чеккан. Одамлар бир қанча иттифоқ идораларининг республика тақдирига такаббурлик билан қарашига қатъий қарши чиқмоқдалар. Бу такаббурлик баъзан раҳмдиллик нималигини билмайдиган шафқатсизликкина эмас, ҳатто миллий қадр-қимматни таҳқирлаш даражасига ҳам яқинлашиб қолмоқда.

Бу ўринда гап, жумладан, ҳаётий зарурат тақозо этмаган районларда атом электростанцияларини жойлаштириш хусусида бормоқда. Аммо лойиҳачилар, делегатнинг фикрича, ўз манфаатларини ўйлаб, жўнроқ бўлгани маъқул, деган принципга риоя этиб, масалани ҳал қилдилар.

Хўш, бу қанақаси? Калтабинликми ёки ғаразгўйликми? — деб мулоҳаза юритди нотиқ. У ҳукматга мурожаат қилиб, регионлар ва маҳаллий аҳолининг тақдирини сира ўйламай, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштираётган кимсаларни тийиб қўйишга даъват этди. Зал аҳли бу фикрни қўллаб-қувватлаб, қарсак чалган экан, демак шунга ўхшаш воқеалар Украина ССРдагина содир бўлаётгани йўқ.

Делегат жамиятимизни демократиялаш масалаларига тўхталиб, раҳбариятнинг алмашинуви муҳлати тўғрисида сўзлади. У жумладан раҳбар ходим ўз лавозимида мўлжалланган икки муҳлат ишлаганидан кейин унга конкрет участкалардан бирини, масалан, оддий хўжалик фаолиятини таклиф этиш керак, деган фикрни айтди. Агар у ана шу ишда ўзини кўрсатса, ва агар, ёши, куч-қуввати имкон берса ҳамда одамлар унга яна юқори лавозимни лозим кўрсалар, уни ҳар қандай даражадаги раҳбарлик составига яна сайланиши учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак.

Делегат пировардида кадрлар масаласи ҳал этилаётганида, одамлар барча лавозимларга кўтарилаётганида КПСС аъзолари билан партиясизларни тўла тенг ҳуқуқлигига эришиш тўғрисидаги таклифни илгари сурди. Ҳар бир номзоднинг профессионал, инсоний ва сиёсий фазилатлари мезон бўлиши керак, деди у.

КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори **Е. М. Примаков** ўз нутқини қайта қуришда партия ролини таҳлил қилишдан бошлади. Залда ўтирганлардан бирортаси жамиятимизда КПССнинг раҳбарлик роли хусусида шубҳа билдираётир, деб ҳисоблаш учун ҳеч қандай асос йўқ, деди у. Гап ҳатто бизда бир партияли система тарихан таркиб топганлигидагина эмас. Энг муҳими — аниқ хулоса чиқаришдадир. Ҳозирги тарихий шароитда бунга қарши ҳар қандай ғаш социализм доирасида қайта қуришга жуда катта зарар етказади.

Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, айни КПССнинг ўзи шахсга сиғиниш ва турғунлик давридаги бузилишлар билан алоқани қатъий узиш учун дадил кураш бошлади. Шундан ҳам кўз юмиб бўлмайдики, кўп партиялилик ғояларидан биринчи навбатда ҳамма кўринишдаги миллатчи ва догматик унсурлар фойдаланишлари мумкин. Бу эса қайта қуришга даҳшатли зарба бўлур эди.

Аммо бизда бир партияли система самаралироқ ишлаши учун нима қилиш керак, унинг демократик имкониятларини қай тариқа очиш ва ривожантириш керак? Бу саволлар Ленинни ўз ҳаётининг охирги йилларида ҳаяжонлантирган саволларга монандир.

Шу муносабат билан академик иқтисодий ва сиёсий қарорлар қабул қилишни демократиялаш устида тўхталди. Мамлакатда, деди у, телевидение орқали, газета ва журналларнинг саҳифаларида мунозара олиб бориш нормага айланди. Уларда турли қарашлар ва ғоялар қиёсланади. Турли вариантларни, қарши фикрларни шакллантириш уларнинг мантиқий давоми, навбатдаги поғона бўлиб қолиши керак. Буйруқбозлик-маъмурий методлардан қутилишнинг кўпгина вариантлари орасида энг муҳим қўрсаткичлардан бирини танлаш имконияти бор.

Бунинг устига танлаш имконияти бўлмаса етарли даражада пухта ўйланмаган қарорлар учун майдон очилади. Бу ўринда олим ўн йил илгари қўшинларимизни Афғонистонга олиб киришга доир воқеаларни далил қилиб келтирди. Бошқа бир мисол ҳам ибратлидир. АҚШнинг бизларга қуролланиш пойгасини тиқиштириш соҳасидаги у ёки бу қадамларига биз қандай муносабатда бўлдик. Биз турли фикрларни, қарашларни қиёсламасдан туриб ўтмишдаги хатолардан қутила олармидик, ахир?

Нотиқ кейинги йиллардаги тажрибага, қайта қуриш йўлидаги камчиликлар ва хатоларга, фойдаланилмаётган резервларга тўхталиб ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш ҳақидаги қарорни эслатиб ўтди. Режа яхши эди. Аммо қарор ҳаётда қандай амалга оширилди? Вужудга келиши мумкин бўлган натижаларни илмий прогноз қилмасдан ва аввало иш вақтида ичкиликбозликни тамомила истисно қилиши, партия ва хўжалик ходимлари орасида бундай иллатга йўл қўймаслиги керак бўлган турли вариантларни ишлаб чиқмасдан туриб, илгаригидек буйруқбозлик-маъмурий методлар билан амалга оширилди. Оқибатда биз муайян ижобий натижаларга эришган бўлсакда, кўп нарсадан маҳрум бўлдик. Алкоголли ичимликлар ишлаб чиқаришда давлат монополиясига ошкора путур етказилаётир. Қанд-шакар танқислиги юзага келди. Ичкиликбозлик эса унча қисқаргани йўқ. Заҳарвандлик кўпайди. Жуда катта сиёсий зиён кўрилди. Шу тарзда, деб хулоса чиқарди делегат, бизнинг қайта қуриш практикамиз масалани қуйидагича қўяётир: қабул қилинаётган қарорларнинг камчиликлари мутлақо аниқ бўлиб қолганида нима учун уни дарҳол тўбдан тузатиш мумкин эмас? Ваҳолонки, бу хусусда айрим ижобий мисоллар ҳам бор. Кооператорларга солиқ солиш ҳақидаги фармонни қайта кўриб чиқиш юзасидан бошланган иш назарда тутилаётир.

Нутқда қайта қуришнинг асосий вазифаларини амалга оширишдаги босқичларни илмий асосда ишлаб чиқиш масаласи кўтарилди, ижтимоий турмушни интернационализациялаш ғоят зарурлиги таъкидланди. Жумладан, делегат бутун мамлакат бўйича миллий кадрларни алмаштириб туриш практикасини жорий этишни таклиф қилди.

Раислик қилувчи **М. С. Соломенцев** КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **С. К. Гроссуга** сўз берди. Партия, деди у, совет жамиятини ҳар томонлама революцион янгилашнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. У қайта қуришнинг бош йўлини коллектив тарзда ишлаб чиқди, унинг стратегияси ва тактикасини илмий асослади. Ҳозир эса уларни оғишмай ва изчиллик билан амалга ошираётир. Қайта қуриш ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бормоқда, ижобий, ўзгартирувчи таъсир ўтказмоқда.

Республика партия ташкилотидан келган делегатлар партиянинг қайта қуриш ва жадаллаштиришга, жамиятни янада демократиялаш ва янгилашга қаратилган йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар. Биз аминмизки, КПСС конференцияси ҳақиқатан ҳам тақдирга дахлдор бўлиб, совет кишиларининг орзу ва умидларини оқлайди.

Турғунлик, хўжаликни юритишнинг буйруқбозлик-маъмурий методлари, дабдабабозлик ва бошқа салбий ходисалардан Молдавия ҳам четда қолмади. Республика коммунистлари партиявий жасорат кўрсатиб, йўл қўйилган хатолар учун масъулиятни очиқ тан олдилар ва меҳнаткашларнинг актив мададига таяниб камчиликларга қарши кескин кураш бошладилар. Кўпгина партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари, раҳбар кадрлар фаолиятига ўткир баҳо берилди. Ягона жабҳада олиб борилган муросасиз кураш маънавий-психологик иқлимни соғломлаштиришда, олға харакат қилишимизда ёрдам берди. Аммо қайта қуриш биз мўлжаллаганимиздек натижадор бўлаётгани йўқ. Бўшашувчанлик, ўтмиш нуқсонлари ўз таъсирини кўрсатаётир. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, интизом ва тартибни мустаҳкамл

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

РЕВОЛЮЦИОН ЯНГИЛАНИШ МУҚАРРАР ТУС ОЛСИН

(Давоми. Бошн 2-, 3-бетларда).

Нотиқ Молдавиянинг аграр-саноат сектори муаммоларига тўхталиб, бу муаммоларни ҳал этишда хўжаликни юритишнинг янги шароитига ўтиш марказий ўринни эгаллашини қайд этди. Шу муносабат билан у республикани 1990 йилдан нарх белгилашнинг янги тартибига ўтказишни, сўнгра эса регионнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишини таклиф қилди.

Социалистик тузумимиз асосларининг тубдан қайта қурилиши, деди нотиқ, ҳокимиятни амалга ошириш концепциясига янгича ёндашувларни талаб қилади. Ҳокимият масаласи — қайта қуришнинг бош масаласидир. Тезисларнинг умумхалқ муҳокамаси жараёнида унинг беқиёс даражадаги ўткирлиги ва аҳамияти намоён бўлди. Сўнгра делегат партия, совет ва хўжалик органлари вазифаларини аниқ белгилаб олишнинг баъзи йўлларини таҳлил қилди, докладда таклиф этилган Советларни ислоҳ қилиш концепциясини қўллаб-қувватлади. Сиёсий системадаги йирик ислоҳот олий ҳокимият органлари фаолиятини, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий турмушини анча активлаштирмоқда. Нутқда КПССнинг жамиятдаги ролига путур етказиш, янгиланишнинг бош социал кучи бўлган ишчилар синфи ролини камситиш йўлидаги уринишлар танқид қилинди. Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, ижодий союзлар, кенг меҳнаткашлар оммаси қайта қуришда партиянинг тарихий ёрдамчиларидир.

Совет федерациясини янада ривожлантириш зарурати ҳам етилди. Барча миллат ва элатларнинг талабларини кондиришга, СССР Конституцияси қоидаларининг оғишмай бажарилишига қаратилган йўл бунинг асосидир. Республикалар ичида миллатлараро муносабатлар муаммоларига кўпроқ эътибор бериш, уларни демократияни ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан ҳал этиш зарур. Кўпроқ вазминлик, масъулият билан ёндашиб, бунёдкорлик кучларини эртанги кунга қаратиш лозим.

Ошкоралик, демократия, амалий танқидни янада ривожлантириш — партиянинг авангардлик ролини амалга ошириш билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этиш калитидир. Партиянинг иродаси ва халқнинг ташаббускорлиги — асл мақсадга: қайта қуриш муқаррарлигига ва унинг тўла тантанасига эришишнинг гаровидир. Бунинг учун конкрет ишлар керак.

Сўнгра Москвадаги махсус қотишмаларни қайта ишлаш заводининг ишчиси **Ю. Ф. Сурков** сўз олди. Конференциямиз иши учун ажратилган вақт озгина қолди, деди у. Мен жойимда ўтириб, ана шу вақтни айрим нотиқлар беҳуда кетказаётганликларини сезяпман. **(Қарсаклар).** Мен партия раҳбарларимиз эътиборини шунга қаратмоқчиманки, партия комитетлари биринчи секретарларининг нутқларида бир андозадаги ёндашиш сезилаётганлиги қизиқ бўлаётир. Нима учун шундай бўляпти. Фикримча, партияда худди ана шу раҳбарларни тарбиялаш соҳасидаги иш яхши олиб борилмаётир. Бу сезилиб турибди.

Мен нутқ сўзламоқчи эмасман, деб таъкидлади ишчи. Мен чидаб туролмай, минбарга чиқдим. Навбатдаги нотиқларга мурожаат қилиб, конференцияда бундан олдин айтилган гапларни такрорламасликни илтимос қиламан. Бу ерда металлург ишчининг нутқи ажойиб намуна бўлди. **(Қарсаклар).**

Раислик қилувчи барча нотиқлардан ишчининг мулоҳазасини ҳисобга олишни илтимос қилди.

Мамлакатнинг иқтисодий ва социал-сиёсий кризис томон оғиб кетаётганлигининг тўхтатиб қўйилганлиги конференцияда айтилаётган фикрга, яъни экономика турғунлик ҳолатидан чиққани йўқ, деган фикрга қўшилмаслик имконини беради, — деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **К. М. Маҳкамов.** Сўнгра у республикадаги ишларнинг аҳволига тўхталди. Агросаноат комплексини ривожлантириш социал программасининг амалга оширилишидаги натижалар ҳали КПСС XXVII съезди йўл-йўриқларига жавоб бермаётир, деди у. Бунинг сабабларидан бири — изчилликнинг йўқлигида, белгиланган программалар босқичма-босқич бажарилмаётганлигидадир. Жиддий, бунёдкорлик ишига эътиборни қаратиш иккинчи ўринга ўтиб қолди. Республика партия ташкилотларининг муайян камчиликлари ўз таъсирини ўтказди. Хўжалик механизмининг бир қатор элементлари созланмаган. Капитал қурилиш соҳасидаги планларнинг баланслари асосан қоғозда қолиб кетмоқда. Хўжалик ҳисоби йўлида тўсиқ бўлаётган кўпгина инструкциялар ҳамон амал қилиб турибди. Ислоҳот планлар тасдиқланганидан кейин бошланди, аммо бу нарса консерватизм ва лоқайдликни оқлай олмайди.

Одамлар бизлардан сўз билан иш бирлигини кутмоқдалар, деб таъкидлади нотиқ. Сўз билан иш ўртасидаги тафовут одамларнинг қайта қуришга ишончини камайтириши мумкин. Кенг муҳокама қилинган нарх белгилаш концепцияси иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ёрдам берган бўлур эди. Марказий органлар жойлардаги хўжалик ишини йўлга солиб турувчи ҳужжатларни тузаётганларида маҳаллий шароитларнинг хусусиятларини ҳам ҳисобга олишлари зарур. Регионларга, масалан, қанча ерни реконструкция қилиш, қанча янги ерни фойдаланишга топшириш масаласини ҳал этишда уларга кўпроқ ишонч билдириш ва имконият яратиш керак.

Ҳар хил хусусдаги кўпдан-кўп кенгашлар ҳам қайта қуришга жиддий халақит бераётир. Нотиқ фактлар келтирди. Ўтган йил ва шу йилнинг беш ойи ичида республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари салкам бир йил мобайнида пойтахтда командировкада бўлдилар. Министрлар — тўққиз юз кун, уларнинг ўринбосарлари эса бутун беш йилликлар давомида пойтахтда қолиб кетмоқдалар. Келинглар, вақт ва пул исрофгарчилигини тўхтатайлик, ниҳоят транспортни бирроз бўшатиб қўяйлик, деди нотиқ. Яхшики, ҳозирги замон алоқа воситалари ишга оид алоқаларни тамомила таъминлай олади.

Нутқда бошланғич партия ташкилотлари ролини ошириш масаласи катта ўрин эгаллади. Уларнинг муваффақиятли фаолияти кўп жиҳатдан қайта қуришнинг ана шу муҳим бўғинларига ким бошчилик қилаётганлигига боғлиқ. Делегат партия ташкилотининг сонини эмас, балки бутун корхонадаги ишчилар сонини эътиборга олган ҳолда маош олиб ишлайдиган секретарларни кўпайтиришни таклиф қилди. Маош олмай ишлайдиган секретарларга ишдан озод қилинадиган кунларни жорий этиш тўғри бўлур эди, деди у. Бу партия ходимлари ҳақидаги чинакам ғамхўрликнинг ифодаси бўлади.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари идеология кадрларини тарбиялаш проблемаси устида тўхталиб, Ленин меросини кўпроқ эътибор билан ўрганиш, ундан кундалик ҳаётимизда тўлароқ фойдаланиш, адолат учун курашчилар ниқобидаги сафсатабозларга зарба беришни ўрганиш зарурлигини қайд этди. У оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида, ошкоралик ва матбуот тўғрисидаги қонунлар қабул қилинишининг аҳамияти ҳақида гапирди.

Нутқда меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш масаласи ҳам тилга олинди. Биз тоғнинг икки томонида қўлимизни қовуштириб ўтираверсак, бу соҳада ҳеч нарсага эриша олмаймиз, деб таъкидлади Тожикистон раҳбари. Бунда у Ўрта Осиё республикаларининг муносабатларини кўзда тутди. Фақат мустаҳкам алоқа, барча мураккаб муаммоларнинг биргаликда ҳал этилишигина ишга ёрдам беради. Бундай ишнинг яхши намуналари бор — кейинги ойларда республикаларнинг раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари даражасида кўпгина норасмий учрашувлар бўлиб ўтди. Ҳозирча телевидениенинг катта имкониятларидан тўла фойдаланилмаётир. «Бузилмас иттифоқ» деган янги кўрсатув ташкил этилса ёмон бўлмас эди.

Бепоён мамлакатимизнинг меҳнаткашлари, деди ўз нутқининг охирида делегат, конференциянинг боришини зўр эътибор ва қизиқиш билан кузатмоқдалар. Бинобарин биз уларнинг умидини оқлашимиз, уларнинг қайта қуришга ишончини мустаҳкамлашимиз шарт.

Биз «тақдирга дахлдор» деган сўзни кўп ишлатяпмиз, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси **Г. А. Ягодин.** Бу жуда кенг маз-мунли таърифдир, чунки конференцияда ҳақиқатан ҳам мамлакат тақдири маз-мун жиҳатдан ҳам, кўламлари жиҳатидан ҳам, ҳаракатлар жиҳатидан ҳам белгиланаётир.

Халқ маорифи мамлакат олдида ва партия олдида алоҳида масъулият талаб қилади. Шу сабабли фаолиятнинг бу соҳасини қайта қуриш масалалари съезддан кейинги ишларнинг эътибор марказида бўлди. Марказий Комитетнинг февраль Пленуми ўтказилиб, унда конкрет вазифалар белгиланди. Ҳозиргача баъзи ишлар қилинди. Аммо олдимизда турган вазифаларга нисбатан қилинган ишлар урвоқчалик ҳам эмас. Ўзларингиз мулоҳаза қилиб кўринглар: мамлакатдаги мактабларнинг ярмида марказий иситиш, водопровод, канализация йўқ. Ўқувчиларнинг тўртдан бир қисми икки сменада шуғулланаётир, бир қисми эса уч сменада шуғулланаётир. Бир ярим миллион бола боғчага қатнаш имкониятига эга эмас. Ҳар ўн минг аҳоли ҳисобига студентлар сони жиҳатидан кейинги ўн йил ичида иккинчи ўриндан 23-ўринга тушиб қолдик. Булар эски иллатлар.

Аммо бугунги иллатлар ҳам ҳамма ишларни дарҳол қилишда халақит бераётир, деб давом этди нотиқ. Биз бюджет танқислигида яшаяпмиз, бошқаришнинг буйруқбозлик — маъмурий методлари ҳукмронлик қилганлиги, интеллектуал меҳнат ролига етарли баҳо берилмаганлиги, расмиятчилик, процентбозлик, таълим ва тарбиянинг авторитар усуллари маорифга оғир таъсир кўрсатди.

Нотиқ халқ маорифи практикасидаги туб ўзгаришларга катта эътибор берди. Умумий таълим мактабининг мақсади — марказий масалалардан биридир. Кўпинча шу мақсад ҳақида гапирилганида олий ўқув юртини назарда тута бошлашди. Бу тўғри эмас. Умумий таълим мактаби касбга эга бўлган, ўз билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштиришга, шу жумладан олий ўқув юртига киришга доимо интилувчи кишиларни замонавий жамиятда мустақил яшашга тайёрлаши керак. Лекин фақат олий ўқув юртига интилиш мутлақо мажбурий эмас.

Ҳозир мактабда ўқиш қийинчилик билан ўтаётир. Давлат комитетининг раиси бу вазифани ҳал этишга бир неча хил ёндашишлар борлигини айтди. У таълимни олти ёки етти ёшдан бошлашни таклиф қилди. Уч ёки тўрт йил — бошланғич мактабнинг биринчи босқичидир, чунки боланинг жисмоний ривожланиши бир хил типда бўлмайди. У олти ёшида саккиз яшар бола даражасида бўлиши ҳам мумкин, етти ёшида эса, афсуски, тўрт яшар бола даражасида ҳам бўлиши мумкин. Бошланғич мактабдан навбатдаги босқичга ўтказиш шарти — мутлақ билимдир. Агар билим бўлмаса таълимни биринчи босқичда такрорлаш керак. Иккинчи босқичда касбга асос яратиш, барча предметлар бўйича пойдевор яратиш мўлжалланади.

Аммо вазифа ҳар бир кишининг қиёфасини сақлаб қолишдан иборатдир. Аниқ фанларни ўрганишда қийналаётган кишиларга унинг мундарижасини бироз қисқартириб, илгари «дурадгорлик санъати» ва ҳоказолар деб аталадиган дарсларнинг мундарижасини кенгайтириш керак бўлади. Вазифа — баъзи кишиларни «иккинчи сорт»га ўтказиб, кейинчалик бу «иккинчи сорт»даги болаларни ишчилар синфи сафига ўтказишга йўл қўймасликдан иборат. Ниҳоят, мактабнинг учинчи босқичини анча енгиллаштириш, «танлаб олинадиган мактаб»га айлантириш керак. Ўн бир предмет ўрнига беш ёки олтита қолдириш ва танлаган предметини ўрганиш имкониятини бериш лозим. Аттестатлар, билимлар ҳар хил бўлишининг аҳамияти йўқ — улар ҳозир ҳам ҳар хил. Аттестат эгасининг юридик ҳуқуқи бир хил бўлиши муҳимдир. Олий ўқув юртига бўлса марҳамат. Кириш имтиҳонларини тошпиринг — ҳеч қандай тўсиқ қолмайди.

Ҳунар-техника таълими муаммолари устида тўхталиб, нотиқ айтдики, ҳунартехника билим юртларига педагоглар тайёрлаган бракни улоқтириш ярамайди, бу аҳлоққа зид нарсадир. Бундай практикани тубдан ўзгартириш керак. Ҳис-туйғу орқали ҳосил қилинадиган таълим қисмига муносабатни ҳам тубдан ўзгартириш лозим. Чунки ҳаётдаги бахт инсоннинг квадрат илдизи чиқара олишига жуда кам даражада боғлиқдир. Лекин инсоннинг бахти у ҳаётнинг ўзини қандай ҳис қилишига, уни қандай идрок этишига жуда кўп даражада боғлиқдир. Ҳозир бу иш мактабларда ўнноқлик билан йўлга қўйилган ва ҳатто бу жиҳатдан адабиётни ўрганишга ҳам жиддий тузатишлар киритиш керак бўлади.

Бундан бир неча йил илгари яхши ният кўзда тутилган бўлса-да, хатога йўл қўйилган эди: мактабда дарсликлар бепул бериладиган бўлиб, бу билан улар уйлардан олиб кетилди. Уйда эса дарслик жуда зарур нарса. Чунки бола унга доимо мурожаат қилиб туриши керак. Нотиқ мамлакат нашриётлари дарсликларнинг зарур миқдорда нашр этилишини таъминлашда ёрдам беришига қаратилган таклифни киритди.

Конференциямизга ғоят катта қизиқиш билан қараётганлиги қонуний бир ҳолдир, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари **Б. М. Володин.** КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин жамият турмушида яхшилик томон бурилиш бўлди, партиямиз ва бутун халқимиз ишга астойдил киришган экан, демак ҳамма хатолар тўзатилади, деган умид вужудга келиб, бу умид ишончга айланди. Биз қайта қуришни кенгайтириб ва чуқурлаштириб бориш ҳақида наказ олдик. Зотан, шундай қилишга интилаяпмиз.

КПСС Марказий Комитетининг Тезислари муҳокама қилинаётганида, деди нотиқ, партияга, давлат ва жамоат ташкилотларига, аввало халқ депутатлари Советларига сиёсий раҳбарликни такомиллаштириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ кўтарилди. Конференция арафасида биз меҳнат коллективлари кенгашларининг раислари билан учрашув ўтказдик. Учрашув ана шу ўзини-ўзи бошқариш органлари давр руҳига монанд бўлиб, меҳнат коллективларига реал таъсир ўтказаётганликларини кўрсатди. Лекин, афсуски, уларнинг халқ депутатлари Советлари билан муносабатлари механизми ҳамон ишлаб чиқилгани йўқ. Манфаатлар муштараклигини тўла тушунмаслик, номувофиқлик ҳоллари учраб турибди. Ана шу ўзини-ўзи бошқариш органларини айниқса, территориялари социал ривожлантириш соҳасида халқ депутатлари Советларига бўйсундириш ҳақида таклифлар айтилди.

Сўнгра нотиқ партия органлари структурасини такомиллаштириш масалаларига тўхталди. Ҳозирги вақтда сайлаб қўйиладиган партия органларини шакллантириш пайтида демократиялаш жараёни тобора активлашиб, ошкоралик кўпайиб боравётир. Сайловлар партия турмуши нормасига айлана бошлади. Шу билан бирга сайлаб қўйиладиган органлар аппаратини шакллантириш пайтида демократик асослар унча сезилмаётир. Унинг фаолиятини, комплектлаш тартибини белгилаб қўювчи қоидалар ишлаб чиқиш, унинг сайлаб қўйиладиган орган олдидаги масъулиятини пухтароқ белгилаш керак. Кўпгина коммунистлар, деди нотиқ, партия комитети аппаратига ходимни бошланғич партия ташкилотларининг тавсиялари ҳисобга олинган ҳолдагина юборилсин, деган таклифларни айтишди. Сайлаб қўйиладиган органларнинг ходимлари учун белгиланганидек, аппаратда ишлаш муддатларининг чекланиши қонун билан мустаҳкамлансин, деган истаклар билдирилди. Қизиқ ҳол рўй бераётир: сайлаб қўйиладиган орган ўзгаради-ю, унинг иш услуби ва методлари илгаригича қолаверади, чунки аппарат сайлаб қўйиладиган органга у ёки бу вазиятда қандай иш тутиш кераклигини тавсия қилади, баъзан эса ҳатто кўрсатма беради.

КПСС Марказий Комитетининг докладида баён қилинган қоидани, яъни янги кучлар доимо келиб туришини таъминлаш учун съездлар ўртасидаги даврда Марказий Комитет составини қисман янгилаб туриш имкониятини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги қоидани қўллаб-қувватлаб, нотиқ конференцияга область, шаҳар ва район партия комитетларига ҳам шундай қилишга рухсат этилсин, деган таклиф билан мурожаат қилди.

Нотиқ докладдаги қишлоқ ва посёлка ҳокимият органларидан ташқари, ҳокимият органларида Советларнинг доимий иш олиб борадиган Президиумлари, шунингдек Советларнинг раислари сайланадиган бўлсин, деган қоида қабул қилинишини ёқлаб чиқди. У бу лавозимга район партия комитетларидан то Марказий Комитетгача биринчи секретарларни тавсия қилишни тўғри, деб топди.

Ростов область партия комитетининг биринчи секретари оммавий ахборот воситалари ишига баҳо берар экан, мақолаларнинг авторларини танлашда бефарқликка йўл қўйилганлигини кўрсатувчи мисол келтирди. «Огонёк» журналининг биринчи ва иккинчи сонларида Сойфер деган кимса лисенкочиликни қоралайди, журналнинг ўн иккинчи сони эса бизларни ана шу мақола авторининг ўзи билан таништиради: у Ватанни тарк этиб, чет элга қочиб кетган экан ва ўша ердан туриб бизларга у ёки бу ҳолда ҳамда муайян вазиятларда қандай иш тутиш ҳақида маслаҳат бераётган экан. Хўш, журнал нима қиляпти, дейсиз? Ҳақиқатан ҳам муҳим муаммо кўтарилган, лекин ана шу муаммони ўша «Огонёк» журналида кўтариб чиқа оладиган бирорта автор наҳотки мамлакатда топилмаган бўлса?

Конференция тарихий муҳим қарорлар қабул қилиши керак, деди нотиқ ўз нутқининг охирида. Уларнинг айримлари КПСС Уставига ва СССР Конституциясига аниқликлар киритишни тақозо этиши мумкин. Нотиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиумига ҳозир иш ва қайта қуриш талаб қилаётган масалалар, айниқса давлат ва жамоат ташкилотларига партиявий раҳбарликни такомиллаштириш масалаларида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин, деган таклиф билан чиқишни лозим, деб топди.

Сўнгра сўзга чиққан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Давлат қурилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари — СССР министри делегат **Б. Н. Ельцин** бир қатор делегацияларнинг талабига мувофиқ, унинг бир қанча чет эл телекомпанияларига берган интервьюсига оид саволларга батафсил жавоб қайтарди. Нотиқ унга чет эл оммавий ахборот воситалари мурожаат қилган пайтларидан анча илгари у АПН ва «Огонёк» журнали вакилларига интервью берган, лекин бу материаллар эълон қилинмаганлигини айтди.

Сўнгра нотиқ Американинг Си-би-эс телекомпанияси интервью текстини бузиб баён қилганлигини айтди. Бу хусусда компания автордан расмий кечирим сўради.

Делегатлар берган кўпгина саволлар Б. Н. Ельциннинг КПСС Москва шаҳар комитети пленумидаги нутқига тааллуқли бўлди. Унинг ўзи тан олишича, оғир бетоб бўлганлиги учун нутқи унча аниқ ва равшан бўлиб чиқмади.

Конференцияга тайёргарлик давринг ўзи, деди сўнгра нотиқ, коммунистларда, барча совет кишиларида ниҳоятда катта қизиқиш ва умид уйғотди. Қайта қуриш халқ руҳини жўш урдириб юборди.

Аммо нотиқнинг фикрича, конференцияга тайёргарлик шошма-шошарлик билан олиб борилди. Марказий Комитет Тезислари кеч эълон қилинди. Уни ишлаб чиқишга ҳатто Марказий Комитет аъзоларининг кўпчилиги кенг жалб қилинмади. Бир қатор ташкилотларда делегатларни сайлашда сайлов эски андазалар бўйича ўтказилди, деб ҳисоблайди нотиқ.

Аммо конференциянинг ўзидаги муҳокама, деди у, қизиқарли бораётир. Бу нарса қабул қилинадиган қарорларда ўз аксини топади.

Сўнгра делегат М. С. Горбачев докладини ҳисобга олган ҳолда Марказий Комитет Тезисларига тааллуқли баъзи мулоҳазалар ва таклифларни айтди. У партия ва жамиятда мамлакат тараққиётини неча ўн йилларга орқага суриб юборган ўтмишдаги хатоларнинг такрорланиш имкониятини истисно қиладиган, чинакам халқ ҳокимиятини ва унинг қатъий ғарантияларини яратадиган механизмни вужудга келтиришни энг асосий нарса, деб ҳисоблайди.

Партия комитетлари ва Советлар раҳбарларининг вазифаларини қўшиб олиб боришга, партия ва давлатда сайлов системасини демократиялашга оид таклифлар айтилди. Бу таклифларнинг кўпи мунозаранинг бошқа қатнашчилари илгароқ айтган таклифларга ўхшаб кетади.

Партиямиз, жамиятимиз умуман шундай даражага ўсиб етдики, уларга энг муҳим масалаларни мустақил ҳал этишни ишониб топшириш мумкин, бундан қайта қуриш фақат наф кўради, деди делегат. Сўнгра яқин ўтмишдаги турғунлик ҳолатлари учун Л. И. Брежневнинг бир ўзигина айбдор эмаслиги таъкидланди, партия, жамият ҳаётидаги кўпгина салбий тенденцияларни ўз вақтида бартараф эта олмаган Марказий Комитет аппарати шанига танқидий мулоҳазалар айтилди. Нотиқнинг фикрича, бунинг учун айбдор бўлган раҳбарларнинг шахсий масъулияти ҳақидаги масала қўйилди.

Демократиялаш, ошкоралик бундан буён бундай аҳволга йўл қўймасликнинг кафолатидир, деб ҳисоблайди делегат. Ушбу конференция, деди у, коммунистлар танқид қилмаган биронта, «зона» қолмаганлиги билан ажралиб турибди. Делегат докладда баён қилинган таклифга, яъни Марказий Комитет аъзоларидан иборат регионал комиссиялар тузиб, партиянинг бирор бир принципиал қарори уларнинг иштирокисиз ва розилигисиз қабул қилинмайдиган бўлиши керак, деган таклифга қўшилишини айтди. Делегатнинг фикрича, қайта қуриш ҳозирча катта тўсиқларга дуч келаётир. Демак, ҳар биримиз етарли даражада меҳнат қилмаяпмиз, қайта қуриш учун етарли даражада курашмаяпмиз.

Партия халқ учун яшайди, бинобарин халқ партия қилаётган ҳамма ишлардан хабардор бўлиши керак. Шу муносабат билан делегат КПСС ҳаётининг беистисно ҳамма соҳаларида, шу жумладан унинг Марказий Комитети фаолиятида ҳам кўпроқ ошкораликни таъминлайдиган конкрет тадбирларни таклиф қилди.

Бошқа кўпгина нутқларда бўлганидек, бу нутқда ҳам социал адолат муаммолари тилга олинди. Бизда бу муаммолар асосан ҳал қилинганлиги қайд этилди. Аммо ҳал қилинмаётган айрим масалалар қолиб кетмоқда, бу эса, нотиқнинг фикрича, партиянинг халқ орасидаги обрўсини пасайтиради.

Сўнгра делегат партия аппаратини қисқартириш, Советларни мустаҳкамлаш методикаси ва қўламлари хусусидаги ўз нуқтаи назарини айтди. У ёшлар ҳақида алоҳида резолюция қабул қилиш тўғрисида таклиф киритди.

Б. Н. Ельцин конференцияга мурожаат қилиб, унинг таъбири билан айтганда, ўзининг сиёсий жиҳатдан оқланишини илтимос қилди. Фикрларнинг социалистик хилма-хиллиги, танқид эркинлиги, муҳолифга душманлик кўзи билан қарамаслик хусусида докладда ва нутқларда баён қилинган фикр муносабати билан бу масалани принципиал, ўринли, деб ҳисоблайман, деди у.

Сизларга маълумки, деб давом этди у, Марказий Комитетнинг 1987 йил октябрь Пленумидаги менинг нутқим сиёсий жиҳатдан хато деб тан олинган эди. Мен эса бемаврид. Октябрь 70 йиллиги арафасида чиққанлигимни бирдан-бир хатоим деб ҳисоблайман. Содир бўлган ҳодисадан чуқур изтиробга тушган ҳолда конференциядан КПСС Марказий Комитети Пленумининг шу масала юзасидан қарорини бекор қилишни сўрайман. Агар шуни лозим топсаларингиз, бу билан мени коммунистлар кўз ўнгида оқлаган бўласизлар.

Раислик қилувчи **М. С. Горбачев** КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Татористон область комитетининг биринчи секретари **Г. И. Усманов**га сўз берди. Бу ерда мен ўз партия ташкилотимнинг вакили сифатидагина эмас, шу билан бирга партия Марказий Комитетининг аъзоси сифатида ҳам гапиряпман, деди нотиқ. Шу сабабли, Б. Н. Ельцин нутқида кўтарилган масалаларга тўхталишим керак. Менинг фикримча, у Марказий Комитетнинг октябрь Пленумида айтган гапларини ўзининг бугунги нутқига тўла-тўкис киритди. Сайловнинг демократиклигига келганда, шуни айтиш керакки, бу масала Марказий Комитетнинг июнь Пленумида кўриб чиқилган эди. Ўша Пленум ишида Борис Николаевич қатнашган ва овоз берган эди. Ҳозир эса у делегатларни сайлаш етарли демократия шароитида ўтказилмади, деб айтяпти. Бу-қадар демократик сайлов бизда ҳали ҳеч қачон бўлмаган эди, деган фикрга шу ерда ўтирган ҳар бир киши қўшилади, деди нотиқ.

Ўртоқ Ельцинни сиёсий жиҳатдан оқлашга келганда, октябрь Пленуми ишида қатнашган Марказий Комитетнинг ҳамма аъзолари шу ерда ўтиришибди. Борис Николаевич бугун, нутқ сўзлаш пайтини нотўғри танлаб, бирдан-бир хатога йўл қўйдим, деб айтди. Хўш, шундайминан? У вақтни — Октябрь 70 йиллиги арафасини тасодифий танламаган эди. У шунчаки гапириб қолмаган эди, балки қайта қуриш соҳасида партия ўтказаётган ишнинг суръатларига қўшилмаслигини айтган ва истеъфога чиқаришни илтимос қилган эди.

Коммунистлар бу масала юзасидан қарор қабул қилганлар. Биз Москва партия ташкилотидек эътиборли ташкилотга ишонмаслигимиз учун асос йўқ. Бундан ташқари у ажнабий агентликларнинг дуч келганига интервью бераверириб, фақат ўз обрўйини оширишни кўзлаётган. Мана шуларнинг ҳаммаси менга унинг сиёсий жиҳатдан оқлаш тўғрисидаги илтимосини қўллаб-қувватлаш учун асос бермайди. Биз, коммунистларнинг битта жуда муҳим бурчимиз бор, у ҳам бўлса — партиямизнинг бирлиги ва жипслигини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборат.

Минбарга КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ВЦСПС Раиси **С. А. Шалаев** чиқади. У ўз нутқида мамлакат касаба союзларининг конференцияда муҳокама қилинаётган масалаларга муносабатини билдиришга асосий эътибор бериб, уларни бениҳоя муҳим масалалар деб атади.

Жамият сиёсий системасининг энг муҳим бўғинларидан бири бўлган касаба союзлари, деди нотиқ, кўрилаётган чора-тадбирларни шунчаки қўллаб-қувватлабгина қолмай, айни вақтда бу жараёндаги ўз ўринларини, конкрет вазифаларини, барча меҳнаткашлар қайта қуришнинг фаол иштирокчилари бўлиши учун ишиб бораётган масъулиятларини ҳам кўриб турибдилар. У касаба союзларнинг ролини ошириш, давлат ҳокимиятининг олий органида уларнинг бевосита вакиллик қилиши ҳақида, давлат органлари бажараётган баъзи вазифаларни жамоат ташкилотларига олиб бериш тўғрисида докладда айтилган таклифларни жиддий мадад деб атади.

Докладда кучли социал сиёсатни партия бундан бўёнги фаолиятининг бош ва устун йўналишларидан бири деб белгиловчи фикрлар алоҳида сиёсий аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади ВЦСПС раиси. Нотиқ иқтисодий ислоҳот ҳақида гапириб ва кўп нарса шу ислоҳотнинг муваффақиятли амалга оширилишига боғлиқ эканини таъкидлаб, экономикани социал масалаларни ҳал этиш сари тубдан буриб юборишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътиборни қаратди. Буни эса экономикани ривожлантиришни планлаштиришданоқ бошлаш керак, чунки, касаба союзлари раҳбарининг фикрича, социал соҳани ривожлантиришга қолдиқ принципи асосида ёндашишдан иборат нотўғри қараш аввало планлаштириш замирида яшириниб ётибди.

Шу хулосани тасдиқлайдиган статистика маълумотлари айтиб берилди. Шунга қарамай, ҳозир ҳам мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг олис истиқболга мўлжалланган концепциясини муҳокама қилишда яна истеъмол фондининг улушини камайтиришни таклиф қилмоқдалар. Шу билан бирга мамлакатда миллий даромадни кўпайтиришнинг юқорироқ суръатларини таъминлаш билан бир қаторда унинг структурасини истеъмолга ажратиладиган улушни кўпайтириш, социал-маданий қурилишга бериладиган маблағларни ошириш фойдасига қатъиян қайта кўриб чиқиш учун имконият ҳам, жуда ўткир зарурат ҳам бор. Нотиқ ҳозирги шароитда бемалол шундай қилиш мумкинлигини конкрет мисоллар билан кўрсатиб берди. Социал сиёсатни чинакамига кучли сиёсатга айлантириш лозим.

Нотиқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришдаги қолоқликни қаттиқ танқид қилди. Ана шу қолоқликни тугатиш учун бу ишга муносабатни ўзгартириш, бизнинг бутун саноат ишлаб чиқаришимизни аҳолининг истеъмол моллари ва хизматларига бўлган талабини қондириш сари буриб юбориш, шу мақсадда иқтисодий муносабатлардан ҳам, қизиқтирувчи омиллардан ҳам, планли социалистик хўжаликнинг афзалликларидан ҳам, кооперациядан, бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланиш керак.

ВЦСПС раиси нарх белгилашни ислоҳ қилиш масаласига тўхталиб, бу масала совет кишиларини жуда ташвишга солаётганини таъкидлади. Барча жиҳатларни шу жумладан аҳолининг қўшимча чиқимларини қоплаш шартларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш лозим, деди у. Қўшимча чиқимлар ҳеч сўзсиз тўла-тўкис қопланиши ва бу нарса социал адолат принципларига мос келиши керак.

Касаба союз ташкилотлари, касаба союз аппарати ўз ишини секинлик билан қайта қураётганлигини нотиқ ўзўзини танқид руҳида тан олди. Тадбирбозлик, расмиятчилик, касаба союз гердайиши ҳали ҳам кўп, одамлар ҳақидаги чинакам ғамхўрлик мутлақо етишмаяпти. У қайта қуришнинг касаба союзлари фаол ва самарали иштироки билан биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган энг зарур муаммоларини тилга олди, айни вақтда қайта қуриш меҳнаткашлар манфаатлари ҳисобига эмас, балки уларнинг манфаатлари йўлида олиб борилиши кераклигини айтди.

Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. И. Вяляс** минбарга чиқади. Эстония партия ташкилотининг делегацияси, деди у, республикада яқинда юзага келган қайта қуришни қўллаб-қувватловчи оммавий ҳаракатнинг ташаббуси билан ўтказилган, жўшқинлиги ва миқёслари жиҳатидан мислсиз бўлган митингда изҳор этилган оқ йўл тилаклари билан Москвага келди. Наказда бундай дейилган эди: «Ҳар бир қадамингиз халқимизнинг тақдири учун, шунингдек бутун мамлакатда рўй бераётган қайта қуриш жараёнларининг тақдири учун, КПСС XXVII съезди бошлаган янгиланиш сиёсатини давом эттириш ва чуқурлаштириш учун масъулият руҳи билан суғорилган бўлсин». Ҳаммага маълум бўлган ашула майдонидаги шу митингда 100 минг киши қатнашди. Бу бизнинг халқ мандатимиз бўлди.

Нотиқ ўз таклифларини конференция секретариатига топшириб, республика учун алоҳида муҳим бўлган жиҳатларгагина тўхталди. Зиддиятлар писанд қилинмаган пайтларда улар жиддий кескинликлар манбаи бўлиб қолишини турмуш неча марталаб кўрсатди. Нотиқ экономикадаги оғишларнинг асосий сабаблари орасида ўта марказчиликдан иборат махкамачилик бошқарувини алоҳида кўрсатди. Бу иллат кўпинча энг яроқсиз шаклларда намоён бўлмоқда. Республика бутун иқтисодий потенциалининг 90 процентидан кўпроғи ўнлаб Иттифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари ҳамда идоралари қўлида турибди. Мавжуд муносабатлар шароитида уларнинг манфаатларини республикани комплекс ривожлантириш манфаатлари билан бирлаштиришнинг амалда иложи йўқ. Мана шу юксак партиявий анжуманда айни маҳаллий хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш усули еппасига қўллаб-қувватланганлиги қувончлидир. Бу нарса маҳаллий яккаланишни ёки маҳаллий худбинликни назарда тутмайди, балки, аксинча, регионнинг умумдавлат манфаатларига риоя этиб, ўз табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, вужудга келган иқтисодий алоқаларни сақлаб қолиш учун тўла масъулиятини назарда тутади. Ҳозир партия ва давлат турмушининг ленинча нормаларини тиклашнинг пухта кафолати пайдо бўлмоқда, деди делегат.

Мен саккиз йил Жанубий Америкада ва Никарагуада дипломатия ишида бўлдим, деди сўзини давом эттириб у. Бир ярим ҳафта муқаддам мен Гондурас билан чегарадаги Эстели фронт ёқаси зонасида эдим. «Контрас»ларнинг асосий лагерлари ўша ерда жойлашган. Экин экилаётган, ерни ишлаётганда деҳқонлар елкаларига автомат осиб олган эдилар. Деҳқонлар ўз ерларини ҳимоя қилишга мажбур бўлмоқдалар. Ўша оддий кишилар Совет Иттифоқига ишонаётганликларини, чунки у ерда ўз дўстлари, озодлик учун курашаётган